

11 сентябрга оид янги роман



17:45 / 11.09.2021 2562

Америкалик ёзувчи Саъдия Форуқийнинг 11 сентябрь воқеаларига бағишланган «Юсуф Азим – қаҳрамон эмас» номли романи чоп этилди, дейилади www.islam.ru сайтида.

Романда исломофобияга қарши курашаётган Техасдаги ўрта мактаб ўқувчиси ҳақида ҳикоя қилинган.

Романнинг машъум воқеага 20 йил тўлиши арафасида чоп этилишида рамзий маъно бор. 2001 йил 11 сентябрь воқеалари кўпгина америкалик мусулмонлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Афсуски, Ислоннинг асл моҳиятини англамаган айрим кишиларда муқаддас динимизга қарши нотўғри тушунчалар пайдо бўлгани рост.

Романда одамлар онгида шакланган исломофобияга барҳам бериш йўллари бадиий бўёқларда тасвирлаган.

Манба: Vakillik.uz